



## “KHAMSA” OF ALISHER NAVOI IS A GREAT EVENT IN THE HISTORY OF OUR NATIONAL CULTURE

*Hilola Sh. Shakirova*

*Intern-researcher*

*State Literary Museum named after Alisher Navoi of the Academy of Sciences of Uzbekistan*

*E-mail: [shokirova.96.96@mail.ru](mailto:shokirova.96.96@mail.ru)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** “Khamsa” epic, “Layli and Majnun”, Nizami Ganjavai, Khamsa development, Breath of Christ, Panj Ganj (Five treasures).

**Received:** 08.10.22

**Accepted:** 10.10.22

**Published:** 12.10.22

**Abstract:** This article is devoted to the question of the role of the “Khamsa” collection in our national culture and the history of its creation. First, the article provides some information about the origin of the Hamsa tradition, its founder, and response epics to the Hamsa epics. In addition, the names of famous epic writers who wrote answers to only one of Khamsa’s epics are written. The uniqueness of Navoi’s “Khamsa” not only from Hamsa epics, but also from other popular works known in the world is expressed by scientific reasons, therefore, the valuable opinions of his friend Husayn Boygaro and contemporary Navoi researcher Abduqodir Khayitmetov are also mentioned about this epic.

## АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ ТАРИХИДАГИ БУЮК ХОДИСА

*Ҳилола Ш. Шокирова*

*стажёр-тадқиқотчи*

*ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [shokirova.96.96@mail.ru](mailto:shokirova.96.96@mail.ru)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** “Хамса” достони, “Лайли ва Мажнун”, Низомий Ганжавай, Хамса тараққиёти, Масиҳ анфоси, Панж Ганж”(Беш хазина).

**Аннотация:** Ушбу мақолада туркий тилида яратилган “Хамса” дostonлар тўпламининг миллий маданиятимизда тутган ўрни ва уни яратилиш тарихи масалалига бағишланган. Мақолада дастлаб хамсачилик анъанасининг вужудга келиши, унинг асосчиси ҳамда хамса

достонларига жавоб достонлар ҳақида бир қанча маълумотлар келтирилади. Бундан ташқари Хамса достонларининг фақат биригина жавоб ёзиб машҳур бўлган достоннавислар номлари ёзилган. Навоий “Хамса”сининг нафақат хамса достонлари, балки дунёда танилган бошқа ёриқ асарладан ўзгачалиги илмий асослар билан ифодаланган, шунинг ушбу достон ҳақида унинг дусту Хусайн Бойқаро ва ҳозирги давр навоийшунос тадқиқотчиси Абдуқодир Хайитметовларнинг қимматли фикрлари ҳам эслатилган.

---

## «ХАМСА» АЛИШЕРА НАВОИ – ВЕЛИКОЕ СОБЫТИЕ В ИСТОРИИ НАШЕЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ

*Хилола Ш. Шакирова*

*Стажер-исследователь*

*Государственный литературный музей имени Алишера Навои Академии наук Узбекистана  
Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [shokirova.96.96@mail.ru](mailto:shokirova.96.96@mail.ru)*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** сага «Хамса», «Лейли и Меджнун», Низами Ганжавай, развитие Хамсы, Дыхание Христа, Пандж Гандж (Пять сокровищ).

**Аннотация:** Данная статья посвящена вопросу о роли сборника саг «Хамса» в нашей национальной культуре и истории его создания. Во-первых, в статье приводятся некоторые сведения о происхождении традиции Хамса, ее основателе и эпосе-ответе на эпос Хамса. Кроме того, написаны имена известных эпических писателей, написавших ответы только на один из эпосов Хамсы. Уникальность «Хамсы» Навои не только из эпосов о Хамсе, но и из других популярных произведений, известных в мире, выражается научными соображениями, поэтому упоминаются и ценные мнения его друга Хусейна Бойгаро и современного навоийского исследователя Абдуқодира Хайитметова по этому поводу. эпический.

---

### КИРИШ

Шарқда бадий қиммати турлича бўлган 50 дан ортиқ хамсалар вужудга келган. Даставвал, XII асрда вужудга келган хамса жанри саккиз асрга яқин вақт давомида юзлаб жавоб достонларга эга бўлди. Аммо бу каби жавоб достонларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келмаган. Статистик маълумотларга қараганда, хамса достонларини ичида “Лайли ва Мажнун” достонига энг кўп жавоб достонлар ёзилган экан. Хамса достонларидан фақат биригина жавоб ёзиб, юксак даражада шухрат қозонган ижодкорлар ҳам бўлган

(Фузулий, «Лайли ва Мажнун»). Шундан келиб чиқадики, беш дostonнинг хаммасига жавоб ёзига кўпчиликнинг қурби етмаган. Кўплиб адабиётларда келишича “Хамса” адабий анъана бўлиб, унга Низомий Ганжавий асос солган. Бу буюк озарбайжон шоири 1170-1204-йиллар оралиғида бирин кетин 10500 байтдан иборат 5 та дoston яратди ва унинг вафотидан сўнг уларни бир тўпом ҳолига келтириб, “Панж Ганж”(Беш хазина) деб ном қўйишди. Шу тариқа у кейинчалик “Хамса” номи билан танилиб кетди.

Низомийдан сўнг бир аср ўтиб Хусрав Дехлавий 1299-1302-йилларда Низомийнинг “Хамса”сига жавоб ёзиб, хамсанавислик анъанасини бошлаб берди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Туркий халқлар адабиётида Хамсага қизиқиш XII—XIV асрлардан бошланган. XV асрга келиб эса Хирот адабий муҳитида хамсанавислик юкори чўқкига чиқади. Чунки туркий (узбек) тилида «Ҳайрат улабор», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» номлари билан 5 дoston — «Хамса» яратган Алишер Навоий Хамса тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган ва Хамсани туркий халқлар адабиётида Низомий даражасига кўтарди. Бунинг исботи сифатида унинг дўсти Ҳусайн Бойқаронинг “Хамса” ҳақидаги қуйидаги сўзларини келтираман:

*“Агарчи шайх Низомий назм аҳлининг устодидур, ўз “Хамса”син машхур машхур будурким ўттуз йилда такмил берибтур. Ва мир Хисравким, “Хамса”абёти ададин ўттуз мингдин ўн саккиз мингга ихтисор қилибтурур ва шуҳрати мундоқ дурурким, олти-етти йилда тугатибдур.”*

Алишер Навоий “Хамса”сининг яратилиш жараёни жаҳон адабиёти тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан биридир. Бунинг сабаби Алишер Навоий “Хамса”сида яратилишидан бошлаб ўзгачалик кузатилади. Масалан, юкорида Ҳусайн Бойқаронинг фикрларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бошқа “Хамса” ларга нисбатан, нафақат “Хамса” , балки жаҳон адабиёти асарларидан ҳам фарқли равишда унинг қисқа муддатда ёзилишидир. Абулқосим Фирдавсий шоҳ асари “Шохнома”ни, Низомий Ганжавий “Хамса”сини 30 йил давомида, И.Гёте “Фауст” трагедиясини умр бўйи (1773 - 1832) ёзган бўлсалар, Навоий ўз “Хамса”сининг биринчи дostonи “Ҳайрат ул-аброр”га 1483 йилда киришиб, охириги дostonи – “Садди Искандарий”ни 1485 йилда ёзиб тугаллади ва асарнинг охирида бутун “Хамса”ни ёзишга ҳаммаси бўлиб умуман икки йил вақти кетганини қайд этади.

“Хамса” дostonларида биз, аввало, инсон шараф-ғурурини, эрк-ҳуқуқини, юксак инсоний фазилатларни етук бадийлик билан улуғланган, зулм ва зўравонликни инкор этиб, севги ва садоқатга мадҳ ўқиган буюк гуманист ва даҳоижодкор Навоийни кўраимиз. Профессор А.Ҳайитметов ҳақли таъкидлаганидек, “Навоий “Хамса”сини адабий анъаналар маҳсули деб қараб, унинг яратилишини текширганда адабий факторларни биринчи планга

қўйиш асло мумкин эмас... “Хамса” аввало, шоирнинг ўз даврига, шу даврнинг ижтимоий масалаларига муносабатини кенг ва чуқур ифодаловчи улкан бадиий асар сифатида майдонга келди”.

Навоий “Хамса”си фақат адабиётдаги воқеа бўлиб қолмай, балки даврнинг маданий-сиёсий ҳаётида ҳам, жамият ижтимоий онги тараққиётида ҳам, жамият онги тараққийтида ҳам катта ҳодиса бўлди.

Тил – маданиятнинг энг катта бўғими ҳисобланади. Миллий маданиятни сақлаб қолишда тилнинг ёқолиб кетмаслиги муҳим вазифалардан биридир.

Навоий “Хамса”сининг вужудга келиши давомидаги энг катта табиий қийинчиликлардан бири ҳам бу – тил масаласи.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўша даврда адабиёт ва давлат тили асосан форсий ва арабий эди. Маданиятнинг асосий устуни тил эканлиги барчамизга сир эмас. Бутун Ўрта Осиё ва Хуросонда XV аср иккинчи ярмида шаклланган иқтисодий-сиёсий аҳволни тазарда тутиб, шуни айтиш мумкинки, Навоийнинг туркий (эски ўзбек) тилда “Хамса”дек монументал асар яратиши ижтимоий-сиёсий ва маданий зарурат меваси сифатида майдонга келган биргина умуммиллий маданият ва адабиёт ривожигагина эмас, балки, замонда Ҳусайн Бойқаро давлатининг мустаҳкамланиши ва обрўсининг орта боришига ҳам бевосита хизмат қилган. Унинг дўсти “Хамса”нинг яқунланиш муносабати билан махсус рисола ёзиб, туркий тилда битилганидан мамнунлигини билдиради. Ҳусайн Бойқаро ўз рисоласида шундай сўзларни биттади: Навоий ўз “Хамса”си билан *“турк тилининг жасадига Масиҳ анфоси била руҳ кюрди”*. Навоийгача бўлган “Хамса” дostonларининг ҳаммаси форсий тилда бўлган. Шунинг учун Навоий қуйдаги мисралар орқали форс тилини билмаган туркий халқлар “Хамса”нинг адабий хазиналаридан бебаҳра қолаётганлигини ифодалайди:

*Форсий билган айлади идрок,*

*Лек маҳрум қолдилар атрок –*

яна бир ўринда форсий “Хамса”ни назарда тутиб шундай дейди:

*Чунки форсий эди нуқта шавқи*

*Озроқ эди анда турк завқи.*

Алишер Навоийнинг юқоридаги мисраларидан кўришиб турадики, унинг қалбидан кучли афсусланиш мавжуд. Бу афсусланиш бежиз эмас, албатта.

Тил ўрганувчи ёки ўргатувчи мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон қайси тилни ўрганишни бошласа унинг хатти-харакатлари, фикрлаши, ўша тилда сўзлашувчи миллатнинг маданиятига оғиш кузатилар экан. Бу кўплаб тажрибалардан ўтган эмпирик хулоса экан. Навоий ҳам шундай бўлишини хоҳламаган ҳолда, туркийларнинг ўз маданиятини, тилини сақлаб сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Шунинг учун Навоий ўзбек

яъни туркий тилда “Хамса” яратиш учун тайёргарлик кўриб барча қийнчиликларни инобатга олиб ўз ишини бошлайди. Қуйидаги байтларда ўз сўзлари билан шундай ифодалаган:

*Мен туркча бошлабон ривоят,  
Қилдим бу афсонани ҳикоят  
Ким, шухрати чун жаҳонга тўлғай,  
Турк элига доғи баҳра бўлғай!  
Невчунки, букун жаҳонда атрок  
Кўндур, хуштабъу софий идрок!*

Навоий “Саддий Искандарий” достонида тил ҳақида қуйидаги фикрларини келтиради:

*Тузалди бу назмнинг баса сарсари,  
Яна турки алфоз анга бир сари,  
Ки ҳар нечаким диққати бордур,  
Талаффуз аро лакнати бордур.  
Сўзунгники яхши кўрурсун ўзунг,  
Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзунг.  
Қошингда сенинг гарчи кўп вазни бор,  
Чу бор ўз сўзунг, - йўқ анга эътибор,  
Ки сўз зодаи табъу фарзанд эрур,  
Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур.*

Адабий асарда шоир уларни тузатиши, сўз ва ибораларни тўғри қўллаши ва талаффуз этиши, адабий тилга кўчиришда ўзига талабчан бўлиши, боқалар билан маслаҳатлашиб туриши, бу ҳақда тилни яхши биладиган одамларнинг гапларига кулоқ солиши, бир сўз билан айтганда, тилга ниҳоятда эҳтиёт бўлиши зарур.

Биламизки, “Садди Искандарий” “Хамса”нинг охириги достони ҳисобланади. Юқоридаги Навоийнинг фикрларини тил ҳақидаги ўз хулосалари, - десак хато бўлмайди. Навоий бу фикрларидан бизда қуйидаги фикрлар пайдо бўлди:

- Туркий сўзлашувдаги лакнатлар яъни камчиликлардан бир адабий тилга эътибор бермаслиги;

- Туркийлар ўз тилини фарзандидек кўргани учун бу камчиликка кўз юмиши;
- Гапираётганда бу камчилик одамга унчалик билинмаслиги;

Кўриниб турибдики, “у ўз асарини яратишда фақат адабий тил ёки шева имкониятлари билан чекланмади. У ўзбек тилининг барча шеваларига хос нозикликларни кашф этишга интилди. “Хамса” туфайли ўзбек адабий тили ўзининг янги ва мукамал қиёфасига эга бўлди”. Шу кунгача ўзбек тили замонавий кўринишга эга бўлиб, ўз қадрини ёқотмай

сақланиб келяпти. Тил орқали бизнинг ўзбек миллий маданиятимиз, кадриятларимиз ҳам ўзининг ўз кадр-қимматиغا эга.

### ХУЛОСА

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Навоий гарчи ўзидан олдинги “Хамса” дostonларига жавоб ёзишни мақсад қилган бўлсада, унинг дostonи юзага келиши жарайёни реал ижтимоий-тарихий ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлди. Шунинг учун бу дoston ўзбек халқи маданияти тарихидаги ва беш юз йиллик хамсачилик анъанаси тарихидаги энг катта воқеалардан бири бўлди. Бу асарнинг ёзилиш жараёнини ўзрганиш, дostonда акс этган воқеа ҳодисаларни ҳар тарафлама ўрганиш ижодкорлар ва илм аҳллари учун катта мактаб ҳисобланади.

“Навоий “Хамса”си, аввало, ўз даври ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётнинг, қолаверса, Навоийдаги ноёб шеърини истеъдоднинг маҳсули. Шу билан бирга, бу адабий ёдгорлик жаҳон адабиётининг энг яхши, энг улуг намуналари каби ҳамма даврларнинг ҳамда барча авлодларнинг севимли ва ардоқли асари бўлиб қолади. Унинг кўп тилларга қилинганлиги ва қилинаётганлиги ҳам шундан далолат беради”. Бу таржима асарларни ўзга тилли миллатлар ўқиб Навоийнинг “Хамса”си орқал туркий миллатнинг маданияти, урф-одат ва кадриятлари билан яқиндан танишиб оладтлар.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Sirojiddinov Sh, Yusupova D, Davlatov O “Navoiyshunoslik (1-kitob)” T.: “Tamaddun”, 2018.
2. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» T.: Давлат илмий нашриёти “Х” харфи.
3. Хусайн Бойқаро. Девон, рисола. T.: Фан, 1968.
4. А.Хайитметов. Наойихонлик суҳбатлари. T.: ЎҚИТУВЧИ, 1993.
5. Абдуғафуров А “Буюк бешлик сабоқлари” T.: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1995.
6. А.Хайитметов. “Табаррук излар изидан”, T., 1979.
7. Хусайн Бойқаро, “Девон. Рисола.” T., 1968.
8. Алишер Навоий. “Хамса”. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960.